



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

2021 йил “26” январь

№ 45

Тошкент ш.

**Вазирлик Ҳайъати Кенгашининг
2021 йил 22 январдаги 1-сон
мажлисида қабул қилинган қарорлари
ижросини таъминлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ҳайъатининг 2021 йил 22 январдаги 1-сон мажлисида кўрилган масалалар юзасидан қабул қилинган Ҳайъат Кенгаши қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида

Б У Ю Р А М А Н:

1. Ҳайъат Кенгашининг 2021 йил 22 январдаги 1-сон мажлисида қабул қилинган қуйидаги:

- “Таянч докторантларга 2021 йил учун Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендияларини тайинлаш тўғрисида”ги 1/1-сон;

- “Вазирлик тизимидаги олий таълим муассасаларида олий таълимдан кейинги таълим институтларини очиш тўғрисида”ги 1/2-сон қарорлари ижро учун қабул қилинсин.

2. Олий таълим муассасалари ректорлари, филиаллар директорларига мазкур Ҳайъат қарорлари бандларининг ижроси бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан қарорларда белгиланган муддатларда вазирликнинг тегишли бошқармаларига ва чорак якунлари бўйича Ҳайъат котибига ўрнатилган тартибда тўлиқ ҳисобот тақдим этиш вазифаси юклансин.

3. Ушбу буйруқ ижросининг назорати вазир ўринбосари У.Бегимкулов зиммасига юклансин.

Вазир



А.Тошқулов



HA'AT QARORI

ПОСТАНОВЛЕНИЕ КОЛЛЕГИИ

22.01.2021 № 1/1

**Таянч докторантларга 2021 йил
учун Ўзбекистон Республикаси
Президенти давлат
стипендияларини тайинлаш
тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 13 октябрдаги «Ўзбекистон иқтидорли ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида»ги 226-сон Қарорнинг 1-илоvasи билан тасдиқланган «Таянч докторантлар учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари ва уларни тайинлаш тартиби тўғрисида Низом»га мувофиқ:

– тегишли вазирлик ва идораларнинг мутахассис ва олимларидан иборат махсус танлов комиссияси ташкил этилганлиги;
– танловга номзод сифатида Республиканинг 22 та олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасасидан 31 нафар таянч докторантлар ҳужжат топширганлиги;

– Техник экспертиза хулосасига мувофиқ 28 нафар номзод Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказида чет тиллари, ахборот технологиялари, Ўзбекистон тарихи бўйича махсус тест синовидан ўтишга тавсия этилганлиги;

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан номзодларнинг билим даражаларини аниқлаш мақсадида чет тиллари, ахборот технологиялари ва Ўзбекистон тарихидан тест синовлари ўтказилганлиги;

Хорижий тилдан ўтказилган тест жараёнларида Тохтиярова Шахноза Эркиновна (Тошкент давлат педагогика университети) ва Хатамова Раъно Зафаржон қизи (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти) иштирок этмаганлиги;

– саралаш босқичига 26 нафар номзод (ижтимоий-гуманитар фанлар, иқтисодиёт ва ҳуқуқ йўналишига – 9 нафар, қишлоқ ва сув хўжалиги йўналишига – 2 нафар, энергетика, ресурслар, саноат йўналишига –

3 нафар, соғлиқни сақлаш, спорт ва экология йўналишига – 4 нафар,

табiiй фанлар, ахборот технологиялари ва бошқарув йўналишига – 8 нафар) таклиф этилганлиги;

– якуний босқичда махсус танлов комиссияси ўтказилган суҳбат натижаларига кўра номзодлардан 4 нафарини яширин овоз бериш йўли билан қолиб деб топганлиги;

Энергетика, ресурслар, саноат йўналиши бўйича номзодлар орасидан муносиби комиссия аъзолари томонидан топилмаганлиги сабабли, мазкур йўналиш очиқ қолдирилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Махсус танлов комиссиясининг хулосаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ҳайъати мажлисида муҳокама қилинди ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги **Ҳайъат Кенгаши қарор қилади:**

1. 2021 йил учун таянч докторантлар ўртасида Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендияларига қуйидаги таянч докторантлар муносиб деб топилсин ва уларга тегишли йўналишлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендияси тайинлансин:

I. Ижтимоий-гуманитар фанлар, иқтисодиёт ва ҳуқуқ йўналиши бўйича Зайнобиддинова Фарангиз Бахтиёр қизи – Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети таянч докторанти;

II. Қишлоқ ва сув хўжалиги йўналиши бўйича Абдурахманов Илхом Исакович – Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти;

IV. Соғлиқни сақлаш, спорт ва экология йўналиши бўйича Шерматова Ирода Бахтиёр қизи – Тошкент фармацевтика институти таянч докторанти;

V. Табiiй фанлар, ахборот технологиялари ва бошқарув йўналиши йўналиши бўйича Бердиев Алишер Алиқулович – Тошкент ахборот технологиялари университети таянч докторанти.

2. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети (К.Каримов), Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти (Ў.Умурзаков), Тошкент фармацевтика институти (К.Ризаев), Тошкент ахборот технологиялари университети (С.Бабаҳаджаев)га:

– юқорида келтирилган таянч докторантларга 2021 йилнинг 1 январидан бошлаб бир йил давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендияларини тўлаб бориш тўғрисида буйруқни бир ҳафта муддатда расмийлаштириш вазифаси юклатилсин;

– таянч докторантлар ўртасида Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендияси соҳибларининг илмий раҳбарларини икки ойлик иш ҳақи миқдорида рағбатлантириш тавсия этилсин.

3. Барча олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари раҳбарларига:

3. Барча олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари раҳбарларига:

– 2022 йил учун Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендияларига номзодларни тайёрлаш, уларнинг ҳужжатларини Вазирликка ўз вақтида тақдим этилишига масъул ходимларнинг жавобгарлигини оширишга қаратилган чораларни кўриш;

– бир ой муддатда ушбу Ҳайъат қарори Илмий кенгашларда муҳокама қилиш вазифалари юклатилсин.

4. Вазирликнинг Илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантириш бошқармаси (А.Худойқулов) ва Ахборот хизмати (Ф.Бабашев)га навбатдаги Ҳайъат мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендиялари совриндорларига гувоҳномаларни тантанали топширишни ташкил қилиш, оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш вазифаси юклатилсин.

5. Тошкент давлат шарқшунослик университети (Г.Рихсиева), Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети (У.Азизов), Ўзбекистон Миллий университети (И.Маджидов), Самарқанд давлат чет тиллар институти (И.Тўхтасинов), Бухоро давлат университети (О.Ҳамидов), Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти (Ў.Умурзаков), Тошкент кимё-технология институти (Б.Усмонов), Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти (И.Собиров), Фарғона политехника институти (Ў.Саломов), Тошкент давлат стоматология институти (Н.Ҳайдаров), Тошкент фармацевтика институти (К.Ризаев), Тошкент ахборот технологиялари университети (С.Бабахаджаев)га Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендияларига таянч докторантлар ўртасида танлов комиссиясининг таклифига кўра танловнинг якуний босқичигача муваффақиятли иштирок этган қуйидаги таянч докторантларни моддий ва маънавий рағбатлантиришга тавсия этилсин:

Г.Қосимова (ТДШУ), Б.Каримова (ЎзДЖТУ), Н.Джураева (ЎзМУ), И.Шакиров (ЎзМУ), Т.Қаршиева (СамДЧТИ), Н.Қодирова (БухДУ), Н.Холикова (БухДУ), Б.Успанкулов (ТИҚХММИ), С.Ходжаев (ТКТИ), Д.Эшмуродов (ТТЕСИ), Ж.Орипов (ФарПИ), Л.Юнусова (ТДСИ), Н.Саидқаримова (ТФармИ), Д.Файзиева (ТАТУ), А.Азизов (ЎзМУ).

6. Ушбу қарорнинг ижро назорати вазир ўринбосари У.Бегимкулов зиммасига юклатилсин.

Вазир, Ҳайъат раиси



А.Тошқулов



22.01.2021 № 1/2

**Вазирлик тизимидаги олий таълим
ва илмий-тадқиқот муассасаларида
олий таълимдан кейинги таълим
институтларини очиш тўғрисида**

Вазирлик тизимида илмий ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш салмоғини янада ошириш мақсадида олий таълим муассасаларининг олий ўқув юртидан кейинги таълим институтларини очиш учун етарли илмий салоҳият, моддий-техник база ва бошқа зарур шароитлар мавжудлигини инобатга олган ҳолда вазирлик Ҳайъати **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги «Олий таълимдан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 304-сон қарори билан тасдиқланган «Олий таълимдан кейинги таълимга қўйиладиган давлат талаблари» ва «Олий таълимдан кейинги таълим тўғрисидаги Низом» ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 июлдаги «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни мақсадли тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги 606-сон қарорига мувофиқ, иловадаги рўйхатда келтирилган олий таълим муассасаларида олий таълимдан кейинги таълим институтлари келтирилган ихтисосликлар бўйича очилсин.

2. Олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари раҳбарларига очилаётган олий таълимдан кейинги таълим институтларининг «Олий таълимдан кейинги таълимга қўйиладиган давлат талаблари» ва «Олий таълимдан кейинги таълим тўғрисидаги Низом» талаблари асосида самарали фаолиятини таъминлаш, докторантлар ва мустақил изланувчилар томонидан докторлик диссертацияларининг ўз муддатида ҳимоя қилиниши юзасидан тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш вазифаси юклансин.

3. Олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари ҳузурида тузилган Илмий даражалар берувчи илмий кенгашларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан ишлаб чиқилган «Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш тўғрисидаги Низом», «Илмий даражалар бериш тартиби

тўғрисидаги Низом», «Малакавий имтиҳонларни ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом», «Эксперт кенгаши тўғрисидаги Низом»га мувофиқ очилаётган олий таълимдан кейинги таълим институтларининг фаолиятини бошқариш вазифаси юклансин.

4. Мазкур қарор ижросининг назорати вазир ўринбосари У.Бегимкулов зиммасига юклансин.

Вазир, Ҳайъат раиси



А.Тошқулов



Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг
2021 йил 12 -сонли Ҳайъат қарорига илова

Олий таълимдан кейинги таълим институтлари (Таянч докторантура PhD ва докторантура DSc) очиладиган олий таълим муассасалари рўйхати

№	Олий таълимдан кейинги таълим институти очиладиган муассаса номи	Ихтисослик		Таянч докторантура (PhD)	Докторантура (DSc)
		Шифри	Номи		
1.	Наманган муҳандислик-технология институти	01.01.01	Математик анализ	+	
		02.00.05	Целлюлоза ва целлюлоза-қоғоз ишлаб чиқариш кимёси ва технологияси	+	
		02.00.06	Юқори молекулали бирикмалар	+	
		02.00.10	Биоорганик кимё	+	
		02.00.16	Кимё технологияси ва озиқ-овқат ишлаб чиқариш жараёнлари ва аппаратлари	+	
		08.00.15	Тадбиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти	+	
		10.00.06	Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик	+	
2.	Термиз давлат университети	01.01.03	Ҳисоблаш математикаси ва дискрет математика	+	
		02.00.02	Аналитик кимё	+	
		02.00.13	Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси	+	
		02.00.14	Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси	+	
		07.00.06	Археология	+	
		07.00.07	Этнография, этнология ва антропология	+	
		09.00.04	Ижтимоий фалсафа	+	
		10.00.05	Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти	+	
		10.00.06	Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик, таржимашунослик	+	
3.	Самарқанд давлат университети	01.02.01	Назарий механика	+	+
		01.02.03	Грунтлар ва тоғ жинслари механикаси	+	+
		06.01.04	Агрокимё	+	+
		06.01.06	Сабзавотчилик	+	+
		06.01.07	Мевачилик ва узумчилик	+	+
		06.01.09	Ўсимликларни ҳимоя қилиш	+	+
		06.01.01	Умумий деҳқончилик. Пахтачилик	+	+
		06.01.03	Агротупроқшунослик ва агрофизика	+	+
		09.00.03	Фалсафа тарихи	+	+

4.	Қўқон давлат педагогика институти	13.00.02	Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси	+	
5.	Тошкент давлат техника университети	04.00.16	Кончилик машиналари	+	
6.	Андижон машинасозлик институти	05.01.02	Тизимли таҳлил, бошқарув ва ахборотни қайта ишлаш	+	
		08.00.06	Эконометрика ва статистика	+	
7.	Денов тадбиркорлик педагогика институти	01.01.01	Математик анализ	+	
		03.00.10	Экология	+	
		05.01.04	Ҳисоблаш машиналари, мажмуалари ва компьютер тармоқларининг математик ва дастурий тахминоти	+	
		07.00.01	Ўзбекистон тарихи	+	
		08.00.01	Иқтисодиёт назарияси	+	
		10.00.04	Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти	+	
		10.00.06	Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик	+	
		13.00.01	Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи	+	
		8.	И.М.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг (МТУ) Тошкент шаҳридаги филиали	13.00.02	Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (соҳалар бўйича)